



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 52-53 (13.649-13.650)

Баҳоси эркин нарҳда

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куни Остона шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувида иштирок этди.

Остона шаҳридаги Оқўрда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Дастлаб икки давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари ва томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшнилик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди.

– Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги алоқалар жадал равнақ топапти. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларига етгани муносабатларнинг қандай юксак суръатда ривожланаётганини кўрсатади. Мазкур кўрсаткични 5 миллиард АҚШ долларига етказиш йўлидаги ҳаракатларимиз ҳам яқин вақтларда ўз самарасини беради, – деди Ўзбекистон Президенти.

Нурсултон Назарбоев Шавкат Мирзиёевни Қозоғистонга ташрифи билан қутлаб, бу икки давлат ўртасидаги мулоқотларнинг маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини муҳокама этиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

– Сизнинг ташаббусингиз билан ташкил этилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатларининг барча соҳалардаги ҳамкорлигида муҳим ўрин тутаяди. Ўтган икки йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида эришилган келишувлар тарихий аҳамият касб этади. Биз бир дарёдан сув ичадиган қўшнилармиз. Шундай экан, давлатларимиз ўртасида ҳал этилмаган масала бўлмағи керак, – деди Қозоғистон раҳбари. – Шунини алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда олиб бораётган оқилна сиёсатингиз бугун бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнги икки йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари фаоллашди. Икки давлат раҳбарлари шу давр ичида олти бора турли даражадаги ташрифларни амалга оширди. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида учрашувлар бўлиб ўтди. Бундан ташқари, турли воқеалар муносабати билан теле-

фон орқали мулоқотлар ва мурожаатномалар алмасуви ташкил этилди.

2017 йилнинг март ойда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма декларация ҳамда турли даражадаги 212 та ҳужжат ўзаро алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий заминини сезиларли даражада мустаҳкамлади.

Бу ўзаро савдо ҳажми ва турининг изчил ортишида, энергетика ва машинасозлик тармоқларида муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланганида, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамкорлик кенгайганида кузатилмоқда.

Икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, иқтисодийнинг турли тармоқларида йирик қўшма лойиҳалар амалга ошириляпти. Транспорт қатнови соҳасида амалий ҳамкорлик сезиларли даражада кенгайиб, минтақалар ўртасида шериклик мустаҳкамланмоқда, Ўзбекистон ва Қозоғистонда маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Нурсултон Абишевич! Хурматли делегациялар аъзолари!

Хонимлар ва жаноблар! Аввало, Қозоғистон Республикаси Президентига ва қозоғистонлик барча дўстларимизга аънанавий меҳмондўстлик ва учрашувимиз юксак даражада ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бераясиз.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви айнан Остона шаҳрида ўтказилаётгани бежиз эмас.

Мухтарам оқсоқолимиз Нурсултон Абишевич минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодийнинг турли тармоқларида интеграциялашуви чуқурлаштириш ва маданий-гуманитар алоқаларни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Фоят қисқа муддатда ташкил этилган ушбу саммит, ҳеч муболагасиз, тарихий воқеадир, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Бугун Марказий Осиё халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшнилик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорлик солномасида янги саҳифа очилди.

Биз минтақа давлатлари раҳбарларининг учрашувларини мунтазам ўтказиш ҳақидаги ташаббусни илгари сурар эканмиз, ҳозирги кунда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун бутунлай янги имкониятлар вуқудга келаятганига асосланган эдик.

Айниқса, кейинги бир ярим йилда бўлиб ўтган ва қатор долзарб муаммоларнинг амалий ечимини топиш, янги шартнома ва келишувларни имзолаш имконини берган ўзаро

ташрифларимиз, мунтазам учрашуви ва музокараларимиз принципаал жиҳатдан янги форматдаги ҳамкорлик учун мустаҳкам асос бўлди.

Эришилган натижаларининг аҳамияти барчамизга маълум. Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан товар айирбошлаш ҳажми, ўтган йил якунларига кўра, қарийб 3 миллиард долларни ташкил этди, яъни 20 фоизга ортди.

Бу борада ўзаро товар етказиб бериш 2 баробар кўпайди.

Яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 5 миллиард долларга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Биз мамлакатларимизни боғлаб турган энг муҳим транспорт йўлларини қайта тикладик ва модернизация қилдик, янги ер усти ва ҳаво йўлларини очдик. Ўзаро жорий қилинган чегирмалар натижасида юк ташиш, аввало транспорт ҳажми ортиб бормоқда.

Чегараларимиздаги ўтказиш пунктлари ўз фаолиятини қайта йўлга қўйди, биз уларнинг ўтказувчанлик имкониятини кенгайтирдик. Чегара идоралари ва боғжона органларининг самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Бир неча мисол келтирмакчиман. Масалан, ўз фаолиятини қайта тиклаган ўтказиш пунктлари орқали ишбилармонлик ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фаоллаштириш доирасида ўз қариндошлари билан учрашиш ва сайёҳлик объектларини кўриш мақсадида давлатларимиз чегараларидан ҳар куни ўн минглаб фуқароларимиз ўтмоқда.

Бундан ташқари, чегаралар ва йўллар очилиши туфайли ички бозорларимиздаги товарларнинг алоҳида турлари 20

фоизга арзонлашгани кузатилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бундай имкониятлардан аввало фуқароларимиз фойда кўрмоқда. Бу – ҳамкорликдаги ишларимизнинг амалий самарасидир.

Буларнинг барчаси минтақада мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қиладиган улкан салоҳият мавжуд эканидан далolat беради.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодийнинг турли тармоқлари бўйича ҳамкорлиги кенгайтиши минтақа яъни ички маъмулини яқин 10 йилда камида икки баробар ошириш имконини беради.

Ҳамкорликдаги барча саъй-ҳаракатларимиз, лойиҳа ва дастурларимиз, ҳеч шубҳасиз, ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаб, халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган ва уларнинг манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган минтақавий ҳамкорликни изчил ривожлантиришда ва мазмунан бойитмоқда.

Шу муносабат билан учрашувимизни ҳар йили баҳор байрами – Наврўз арафасида навбати билан давлатларининг бирида ўтказиб боришни таклиф этамиз. Кейинги мана шундай учрашувни Тошкент шаҳрида ўтказишни таклиф қиламан.

Қуйидаги асосий вазибаларни ҳал этиш ҳамкорлигининг устувор йўналишлари сиёсатида белгилаб олишни таклиф этаман:

Биринчидан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги заҳира ва амалий механизмларни излаш;

Иккинчидан, савдо-иқтисодий, инновация, инвестиция,

транспорт-коммуникация, банк-молия, сув-энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги шериклик бўйича аниқ дастурлар – "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш;

учинчидан, энг долзарб халқаро ва минтақавий масалада бўйича кенг фикр алмашиш, улар бўйича умумий позицияни келишиб олиш ҳамда уни кейин БМТ, МДХ, ШХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида илгари сурши.

Ўтган йил ноябрь ойда Самарқанда БМТ шафелигида ўтган халқаро конференция шунини кўрсатдики, тизимли мулоқот, барча томонларнинг манфаатларини инобатга олиш ва оқилна муроаса асосида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Сизларга яхши маълумки, ушбу конференция якунида биз биргаликда БМТ Бош Ассамблеясига махсус резолюция қабул қилиш бўйича мурожаат қилдик.

Ана шу ҳужжатнинг қабул қилиниши Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва изчил тараққиётни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш имконини беради.

Ўзбекистон минтақамиз давлатлари билан очик, ўзаро манфаатли ва яқин ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини яна бир бор қайд этишни зарур, деб биламан.

Бу – бизнинг ташқи сиёсатимизнинг энг асосий устувор йўналишидир.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ҚОЗОҒИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Нурсултон Абишевич! Хурматли давлатлар ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар! Аввало, бугун қутлуг ва саховатли Қозоғистон замининда ўзимизни ўз уйимиздагидек, орзу-умид ва интилишлари муштарак бўлган ягона аҳил оила аъзоларидек ҳис этаётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Қозоғистон Республикаси Президенти, қардошим ва дўстим, мухтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевга Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси йилини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси ва қарори учун чуқур миннатдорлик билдирмакчиман.

Кўп йиллик самарали ҳамкорлигимиз тарихида биринчи марта бўлиб ўтаётган ушбу ноёб воқеа халқларимиз ўртасидаги ҳақиқий қардошлик муносабатларининг ёрқин ифодасидир.

Яратганинг ўзи бизга қўшни бўлишдек бебаҳо неъматни ато этган. Бизнинг донишманд ота-боболаримиз "Ҳовли олма, қўшни ол", деб бежиз айтишмаган. Биз азал-азалдан бир заминда, бир кўёш остида яшаб келмоқдамиз, бизнинг илдизларимиз бир.

Халқларимизнинг Абу Райхон Беруний ва Абу Наср Форобий, Ҳўжа Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоев, Ойбек ва Мухтор Аезов, Фафур Фулом ва Собит Муқонов каби улуг наомандалари ва бошқа кўплаб атоқли олимлар, мутафаккир ва шоирлар мероси бизнинг умумий бойлигимиздир.

Биз инсонпарварлик ва эзгулик гоёлари билан йўрилган бу маънавий меросни асраб-авайлашимиз ва бойитишимиз лозим.

Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги пайтда сиёсий иродамиз ва ўзаро интилишларимиз туфайли дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорлигимизнинг барча йўналишлари бўйича ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришдик.

Худудларимиз ўртасидаги яқин алоқалар, одамларнинг ўзаро очик мулоқоти ва дўстлиги, маданий алоқаларнинг фаоллашгани эзгу мақсад – халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу ютуқларга халқаро миқёсдаги йирик давлат ва сиёсат арбоби, Қозоғистон Республикаси Президенти мухтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг улкан саъй-ҳаракатлари туфайли эришилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Барчамизга яхши маълумки, Марказий Осиё мамлакатларининг минтақамиз тинчлиги, барқарорлиги ва тараққиёти, бугунги ва келгуси авлодларнинг фаровонлиги йўлида ўзаро интеграциялашуви ташаббускори ҳам айнан хурматли оқсоқолимиз Нурсултон Абишевичдир.

Унинг доно раҳбарлигида амалга оширилаётган изчил сиёсий ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотлар, узоқни қўлаб, чуқур йўлаб илгари суриляётган глобал ва минтақавий миқёсдаги ташаббуслар бутун дунёда эътибор этилаётгани ҳаммамизни хурсанд қилади.

Қозоғистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашидаги муваффақиятли раислиги, сизнинг мамлакатингизда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг тарихий мажлиси, ЭКСПО-2017 бутунжаҳон кўргазмасининг юксак даражада ташкил этилгани, Ислоҳотларнинг улкан салоҳиятини Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити ва бошқа кўплаб йирик халқаро тадбирлар Қозоғистоннинг юксак халқаро нуфузидан яққол далolat беради.

Бугун Остона шаҳрида узоқ йиллар мобайнида биринчи марта Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувини ўтказдик.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, нафақат Қозоғистоннинг улкан салоҳиятига, балки бутун Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлик борасидаги кенг имкониятларга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишга хизмат қилди.

Хурматли дўстлар! Биз учун Қозоғистон замонлар ва ҳаёт синовидаги ўтган, кўп асрлик дўстлик ва қардошлик ришталари билан чамбарчас боғланган яқин қўшнигимиздир.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, буюк Абайнинг қуйидаги сўзларини эсга оламиз: **Эй инсон, ор-номус дилдошинг бўлсин, Боболар ҳикмати қўлдошинг бўлсин.**

Мол-дунё, шон-шухрат – барчаси бекор, Жондош, содик дўст, йўлдошинг бўлсин.

Ишончим комил, бу ҳикматли сўзлар нафақат бугунги тантанали маросим, балки мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг шиориға айланади.

Шу муносабат билан кўни кеча қозоқ халқининг буюк фарзанди, шоири ва мутафаккири, гуманисти Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб этиш тўғрисида Ўзбекистон Президентининг қарори қабул қилинганини маълум қилмоқчиман. Бу улуг зотнинг беэвоқл ўғитлари бугун ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Қарлиғабий сифатида ҳам машҳур бўлган буюк Тўлабийнинг макбариси Тошкентда жойлашгани, ушбу маскан ўзбеклар учун ҳам, қозоқ дўстларимиз учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ эканидан биз фахрланамиз.

Мухтарам Нурсултон Абишевич, ўтган йили Ўзбекистонга давлат этирафининг давомидида биргаликда ана шу табарруқ масканини зиёрат қилиб, халқларимизни тинч-тотув ва аҳил яшашга даъват этган ушбу буюк шахс хотирасига ҳурмат бажо келтирганимизни яхши эслайман.

Ўйлайманки, тобора мустаҳкамланиб бораётган самимий муносабатларимиздан буюк аждодларимизнинг руҳлари шод бўлади.

Дарҳақиқат, халқларимиз бир-бирига ҳамиша таянч ва суянч бўлиб келган. Тарихимиз муштараклиги ва ўзаро яқинлигимиз ҳозирги дунёнинг мураккаб муаммоларини биргаликда ҳал этиш, биз учун умумий таҳдидларга қарши самарали курашиш, янги авлодлар учун келажакни биргаликда куришда ёрдам бермоқда.

Биз – қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар ва ўзбеклар, гўзал Марказий Осиёда истиқомат қиладиган барча миллат ва элларлар вақиллари биргаликда тинч-тотув, дўст-иннок бўлиб яшашимиз тақдирнинг ўзи томонидан белгилаб берилгандир.

Шунинг учун ҳам биз умумий уйимизни, фарзандларимизни турли ниҳо ва қарама-қаршиликлардан ҳимоя қилиш, минтақамизда тинчлик ва фаровонлик ҳукм суришини таъминлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур.

Азиз дўстлар! "Остона опера" саройининг ушбу кўркам залида Ўзбекистон санъат усталари томонидан намойиш этиладиган бугунги концерт халқларимизнинг ўзаро яқинлиги, маданиятимиз, аънаъна ва урф-одатларимиз ўхшаш эканига яна бир ёрқин мисолдир.

Ўзбекистоннинг истеъдодли санъаткорлари томонидан ижро этиладиган куй-қўшиқлар, уларнинг сизлар билан учрашувдан оладиган қувонч ва шодликлари Қозоғистонда Ўзбекистон йилини ўтказиш бўйича режалаштирилган биргаликдаги барча тадбирларга алоҳида руҳ ва кайфият бағишлайди.

Аминманки, ушбу тадбирларнинг муваффақиятли ўтказилиши давлатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қадри дўстлар! Самимий қабул ва меҳмондўстлик учун сизларга яна бир бор чуқур миннатдорлик билдириш менга катта маънуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни ва сизлар орқали минтақамизнинг барча қардош халқларини кириб келаятган гўзал баҳор байрами – Наврўзи олам билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мухтарам Нурсултон Абишевич!
Хурматли учрашув иштирокчилари!
Минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар борасида Ўзбекистоннинг нўтаи назари хусусида сўз юритишга ижозат бергайсиз.

Биринчидан. Минтақадаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш.

Куйидагилар ушбу вазифани амалга оширишнинг энг муҳим асосларидир:

- мамлакатларимиз ўртасидаги эркин савдо тартибининг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш;
- чегара олди ҳудудлардаги савдони, ишлаб чиқариш кооперациясини жадал ривожлантириш, шунингдек, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш.

Бу том маънода улкан салоҳиятга эга бўлган йирик минтақавий бозорни шакллантириш имконини беради.

Кўша дастурлар ишлаб чиқиш учун жорий йилда Тошкентда биринчи Минтақавий иқтисодий форум ўтказишни тақдир қилиш.

Бу мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ва етакчи хорижий инвесторлар ўртасида аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун бевосита мулоқот ўрнатиш имконини яратди.

Иккинчидан. Марказий Осие минтақасининг транзит-логистика салоҳиятини тубдан ошириш – савб-ҳаракатларимизни бирлаштиришни тақозо этадиган гоят муҳим стратегия йўналишидир.

Марказий Осие йирик денгиз портлари ва жаҳон бозорлари билан боғлаш имконини берадиган транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оши-

риш биз учун устувор йўналиш бўлиши лозим, деган фикрни қўллаб-қувватлайсиз, деб ўйлайман.

Шу нўтаи: назардан куйидагиларни тақдир қилиш:

- Халқаро транспорт ва транзит йўлаги тўғрисидаги Ашхобод битими доирасида биргаликда савб-ҳаракатлар билан Марказий Осие – Форс кўрфази трансминтақавий йўналишидан самарали фойдаланиш;
- Жанубий Осиега чиқадиган Трансафгон йўлагини шакллантириш, шунингдек, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон автомобиль ва темир йўл магистралларини қуришга киришиш;
- Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида россиялик шериклар томонидан тақдир этилган ШХТ йўлларини ривожлантириш дастурини келишишни тезлаштириш ва қабул қилиш.

Шу билан бирга, божхона ва маъмурий тартиб-таомилларни янада содда-лаштириш ва унификация қилиш, юкларни ташиш ва уларнинг транзити бўйича икки томонлама имтиёзли тарифларни шакллантириш бўйича ўзаро келишилган чора-тадбирларни қабул қилиш бугунги кундаги кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Ана шу умумминтақавий вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз жорий йилнинг октябрь ойида Тошкентда "Марказий Осие халқаро транспорт коридорлари тизимида: стратегия иштироблар ва амалга оширилмаган имкониятлар" мавзусида халқаро конференция ўтказишни режалаштирганмиз.

Ушбу анжуманда Марказий Осиенинг барча мамлакатларидан вакиллар фаол иштирок этишига ишонамиз.

Учинчидан. Марказий Осие халқларининг фаровонлиги ва бутун минтақанинг иқтисодий тараққиёти азал-азалдан сув ресурслари билан қанчалик таъминлангани билан боғлиқ бўлган. Фақат биргаликда ҳаракат қилиб, ушбу муҳим масаланинг ҳақиқий ечимини топишимиз мумкин.

Орол фожиаси оқибатларини барта-раф этиш бўйича мамлакатларимиз ва жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги савб-ҳаракатлари самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифадир.

Тўртинчидан. Самарали минтақавий ҳамкорликнинг асосий шартларидан бири – маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат.

Минтақада дўстлик, яхши кўшничлик, ўзаро англашув ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашда бу соҳанинг ўрни ва роли беқийсдир.

Куйидаги соҳаларда ҳамкорлик қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим:

- таълим ва илм-фан соҳасида, жумладан, олий таълим муассасаларимиз ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш;
- минтақада ички туризмни ривожлантириш ва ҳамкорликда ишлаб чиқариладиган савб-ҳаракатларини ташки бозорларга олиб чиқиш;
- мамлакатларимиз аҳолисининг кўп қисмини ёшлар ташкил этишини инноват олиб, ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш. Минтақамиз мамлакатлари делегацияларини жорий йил июнь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган Марказий Осие ёшлари форумига тақдир этаман.

Бундан ташқари, мамлакатларимизда маданият, санъат ва кино кунларини,

спорт тадбирларини мунтазам ўтказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хурматли давлат раҳбарлари!
Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг қатор муҳим масалаларига алоҳида тўхталмоқчиман.

Биринчидан. Давлат чегараларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш бўйича йўлга қўйилган ўзаро ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарур.

Ишончим комил, биз ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, оқилона муросалар асосида ушбу гоят муҳим муаммони тез мудатда тўлиқ ҳал қилишга эришамиз.

Чегараларимиз дўстлик ва яхши кўшничликни кўпригига айланишига астойдил ишонаман.

Иккинчидан. Бугунги кунда минтақа мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда.

Ушбу хатарларга қарши фақат савб-ҳаракатларни бирлаштириш орқалигина самарали курашиш мумкин.

Шу муносабат билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва махсус хизматлари йўналишида амалий ҳамкорликни ва ўз вақтида ахборот алмашишни давом эттириш жуда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан. Экстремизм мафқурасига қарши курашиш, шу мақсадда аҳоли, аввало ёшларга ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини етказиш энг муҳим вазифадир.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази ва Ислом академиясини ташкил этдик.

Тўртинчидан. Марказий Осиенинг барқарор ва изчил тараққиётини таъминлаш кўшни Афғонистонда тинчликка эришиш билан узвий боғлиқ.

Бу муаммони ҳал этишда тинч музокаралар ўтказишдан бошқа муқобил йўл йўқ эканини эътиборга олиб, Ўзбекистон ва Афғонистон жорий йилнинг 26-27 март кунлари Тошкентда Афғонистон бўйича олий даражадаги халқаро конференция ўтказиш тўғрисида ташаббус билан чиқди.

Биз ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлагани учун Марказий Осие давлатлари раҳбарларидан миннатдормиз, бу умумий манфаатларимиз учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бешинчидан. Биринчи навбатда чегара олди ҳудудларда фауқулда ҳолатлар, техноген ва экологик фалокатлар, табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг вужудга келишига қарши ўз вақтида ҳаракат қилиш бўйича ҳамкорлик механизмларини яратиш зарур.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Учрашувимиз давомида очик фикр алмашиш, минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари бўйича амалий ечимларни муҳофаза қилиш ва қабул қилиш бутун Марказий Осиеда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни янада мустаҳкамлашда муҳим қadam бўлишига ишонаман.

Сўзимни яқунлар эканман, Сиз, хурматли ҳамкасбларим ва дўстларимни, Сизлар орқали қардош Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон халқларини яқинлашиб келаётган баҳор ва янгиликни байрами – Наврўзи олам билан самимий муборакбод этаман.

Барчангизга тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.
Эътиборингиз учун раҳмат.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТ РАЎБАРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ва Қозогистон Президентлари икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари ҳамда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Шундан сўнг Марказий Осие давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бошланди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг 10 ноябрь кунин БМТ шафелигида Самарқанд шаҳрида ўтган "Марказий Осие: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда мазкур учрашувни ўтказиш тақдирини илгари сурган эди. Ушанда бу ташаббусни минтақадаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар қўллаб-қувватлаган ва Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев биринчи учрашувни Остонада ўтказишни тақдир қилганди.

Олий даражадаги учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Имомал Раҳмон, Туркменистон Республикаси Мажлиси раиси Акжа Нурбердиева иштирок этди.

Учрашувни Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев очди.

Саммитда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осиеда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳофаза қилинди.

Таъкидландики, Марказий Осие нафақат географик ва геосиёсий, балки кадрларни муштарак ягона маданий макондир. Шу нўтаи назардан мамлакатларимиз ўртасида минтақалараро ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу Марказий Осиеда барқарор ривожланишни таъминлаган ҳолда, мамлакатларимиз ҳудудларининг sanoat, инвестиция ва интеллектуал соҳалардаги салоҳиятини тўла ишга солиш имконини беради.

Давлат раҳбарлари МДХ, ШХТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар механизмлари доирасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини қайд этди. Учрашувда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг қўламли масалалар кўриб чиқилди.

Марказий Осие мамлакатлари халқларини кўп минг йиллик қардошлик ва яхши кўшничлик ришталари боғлаб туради. Тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради. Минтақамизда дунё тамаддуни ривожига улкан таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт мавҳуд бўлиб, бу Марка-

зий Осие мамлакатларининг умумий келажиги, барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлашда мустаҳкам пойдевор бўла олади.

Кейинги йилларда минтақа давлатлари яхши кўшничлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини намойён этмоқда. Марказий Осие барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққиёт этган минтақага айлантириш йўлида собитқадам бўлмоқда. Давлатлар умумминтақа манфаатларидан келиб чиқиб чегара, сувдан фойдаланиш, транспорт ва савдо сингари ўткир масалаларга самарали ечим топмоқда.

Жумладан, бир неча йиллардан буён муаммоли масала сифатида қараб келинган Ўзбекистон, Қозогистон ва Туркменистон давлат чегараларининг туташган нўтаси ҳудуди ҳақида шартнома имзоланди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўз чегараларининг 85 фоизи юзасидан келишувга эришди. Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик борган сари кенгаймоқда. Тожикистон билан тўғридан-тўғри авиа, темир йўл ва автомобиль қатнови тикланди. Амударёдан ўтадиган Туркманобод – Фороб янги темир ва автомобиль йўллари кўприклари ишга туширилди. Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой темир йўли қурилиши бўйича келишувга эришилди.

Ўзбекистон томонининг ташаббуси билан минтақа мамлакатлари ишбилармон доиралари ҳамда етакчи корхоналари вакиллари иштирокида қўллаб-қувватланган учрашувлар ўтказилди. Бу иқтисодий алоқаларни сезиларли равишда фаоллаштириш ва ўзаро савдо ҳажминини ошириш имконини берди. Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан товар айланиши ўртача 20-30 фоиз ўсди.

Ўзбекистон Марказий Осиенинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга. Мамлакатимиз тараққиётининг чегараларимиз хавфсизлигидан сув ресурсларини оқилона тақсимлашга бўлган барча муҳим ҳаётини масалаларини ҳал этиш минтақа давлатлари билан муносабатларимизга бевосита боғлиқ. Транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳаларни қўшни мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилмасдан, уларнинг юксак даражада интеграциялашувини таъминлашдан амалга ошириб бўлмайди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нўтқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари минтақавий ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришда Марказий Осие давлатларининг савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, бу борада мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш, умумминтақавий муаммоларга биргаликда ечим топиш мақсадида Марказий Осие давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувини доимий ўтказиш эндиликда анъанага айланиши кераклигини таъкидлади.

Хавфсизлик масалалари муҳофаза қилинган экан, бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари

терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келаятгани қайд этилди.

Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш, унинг минтақавий иқтисодий жаранларга қўшилишига ҳар томонлама қўмақлашиш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар иштирокида ушбу мамлакат ёшларининг турли террористик ва экстремистик тузилмалар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидландики, давлат чегараларини делимитация қилиш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича изчил йўлга қўйилган ва биргаликда чуқур йўлаб амалга ошираётган ишларни давом эттириш зарур.

Минтақада сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш масаласи иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди.

Орол денгизининг экологик ҳалокати юзасидан минтақавий ва халқаро даражада савб-ҳаракатларни бирлаштириш ушбу муаммога қарши муносива чора қўришнинг асосий омили эканлиги таъкидланди.

Марказий Осие мамлакатлари ўртасида инновацион фаолият йўналишида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, давлатлар ўртасида экспорт-импорт масаласида бир-бирини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам фикрлашилди.

Минтақа мамлакатлари ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлаш масаласи ҳам кун тартибидан ўрин олди. Бу Марказий Осиедаги минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий шартларидан бири сифатида эътироф этилди. Маданий-гуманитар мулоқотни изчил давом эттириш, мамлакатлар ўртасида маданият кунлари ва турли маданий тадбирларни ташкил этиш, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги алмашувларни ривожлантириш лозимлиги қайд этилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Марказий Осие давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви самарали ўтгани, бу каби учрашувлар ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Марказий Осие давлат раҳбарларининг кейинги маслаҳат учрашувини 2019 йил Наврўз байрами арафасида Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш тарафдори. Сўнгги икки йилда давлатимиз раҳбари Туркменистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистонга бориб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамларни қўйди. Биргина Қозогистон билан икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини 2 миллиард АҚШ долларига чиқаришга муваффақ бўлди. Томонлар 2020 йилда мазкур кўрсаткични 5 миллиард АҚШ долларига етказишни режалаштирган.

Ўзбекистонда қозогистонлик инвесторлар иштирокида 260 та корхона фаолияти йўлга қўйилган бўлса, кўшни давлатда юртимиз ишбилармонлари иштирокида 105 та бизнес субъекти фаолият олиб бормоқда. 2017 йил Остона ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган бизнес-форумлар натижаси бўйича умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ доллари микдоридagi келишувларга эришилди. Сиёсий жабҳадаги мулоқотлар ривожини иқтисодий алоқаларни янада жадаллаштириш учун қулай муҳит яратди. Бу нафақат савдо айланиши ва сарможалар ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилади, балки маданий-гуманитар алоқалар ривожини ҳам кафолатлайди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида икки давлат раҳбарлари 2018 йилда Қозогистонда Ўзбекистон йили ҳамда 2019 йилда Ўзбекистонда Қозогистон йилини ўтказишга келишиб олган эди.

Қозогистон Республикаси 2018 йилни мамлакатда Ўзбекистон йили деб эълон қилди. Бу қозок эли ва Қозогистон давлатининг ўзбек халқига хурмати, юртимизга юксак эътироби раъзидир.

Шу муносабат билан "Остона опера" театрида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон Президентлари ва Марказий Осие давлатлари делегациялари аъзолари, дипломатик корпус вакиллари, хорижий фахрий меҳмонлар иштирок этди.

Маросимда Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев нўтқ сўзладилар. Ўзбекистон ва Қозогистон раҳбарлари мазкур йирик тадбир икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро таърибга алмашиш ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнашини таъкидладилар.

Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни биринчи даражали "Дўстлик" ордени билан мукофотлади.

Қозогистон Республикасида Ўзбекистон йили очик, деб эълон қилинди.

Ўзбек санъат усталарининг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Қозогистонда Ўзбекистон йили доирасида маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, фестиваллар ўтказиш, Қозогистон маданият аҳлининг Ўзбекистонга ташрифлари амалга оширилиши мўлжалланган.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозогистон Республикасига ташрифи ниҳоятга етди. Марказий Осие давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувидa муҳофаза этилган масалалар минтақанинг ҳали ишга солинмаган ноёб имкониятлар ва улкан салоҳиятга эга экани, бу ерда тараққиёт, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш – мазкур давлатлар тўлиқ эриша оладиган муштарак муваффақият эканидан далolat бермоқда.

Абу Бакр ЎРОЗОВ,
ЎЗА махсус муҳбири
Тошкент – Остона – Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ, МИНТАҚАВИЙ ВА ХАВФСИЗЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 14 март куни “Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик: келажакка назар” мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз дунёда тинчликни сақлаш орқали барқарор ривожланиш йўлида барча давлатлар, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан тенг шериклик ва ўзаро ишонч руҳида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги шиддаткор замон ушбу алоқаларни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бу, аввало, Европа иттифоқи билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақа давлатлари иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлашда намоён бўлади. Шунинг баробарида, глобал масалалар – иқлим ўзгариши, ёшлар радикализи, терроризмга қарши кураш, хавфсизликни таъминлаш борасида Европа Иттифоқи билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш бугунги кун талаби саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Европа Иттифоқи ва Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг (Германия) мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Ташқи ишлар вазирлиги кўмағида ташкил этилган халқаро анжуман шу каби масалалар муҳокамасига бағишланди. Унда вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, ЕИ нуфузли таҳлилий марказлари раҳбарлари, давлат ҳамда жамоат таш-

килотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори В.Норов, Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари А.Абдувоҳидов, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили П.Буриан ва бошқалар Ўзбекистон изчил тинчликпарварлик сиёсати юритиб келаётгани, Президент Шавкат Мирзиёевнинг сайёҳаракати туфайли қўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидланди. Бу, ўз навбатида, минтақада тинчликни сақлаш, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнини тезлаштиришга хизмат қилаётгани кайд этилди. Бунда Ҳаракатлар стратегияси доирасида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшилиқ муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш каби устувор вазифаларнинг изчиллик билан олиб борилаётгани муҳим ўрин тутмоқда.

Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорларидан бири. Мамлакатимиз ЕИ билан ўзаро манфаатли алоқаларни ҳар томонлама янада мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори ҳисобланади. Европа Иттифоқининг шериклики амалий мазмун билан бойитишга интилиши “Кўчма китба” мамлакатимиз ва минтақага алоҳида эътибор қаратаётганидан далolat.

Маъмур давра суҳбати Европа Иттифоқининг Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлигининг 2019 йилда қабул қилинадиган янги Стратегиясини ишлаб чиқиш доирасида ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ва устувор йўналишларини муҳокама қилишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Учрашувда халқаро ва минтақавий, хусусан, Марказий Осиёда сиёсий ишончли мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро форум иштирокчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар билан таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Европа парламенти ўртасидаги алоқалар мамлакатимиз билан Европа ҳамжамияти ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида йўлга қўйилган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Алихонов. – “Ўзбекистон – Европа Иттифоқи” парламент ҳамкорлиги қўмитаси Олий Мажлис ҳамда Европарламент ҳамкорлигини ва умуман, Ўзбекистон – Европа муносабатларини фаоллаштиришда муҳим механизмга айланган. Бугунги тадбир парламентлар-

ро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда рўйбга чиқариш каби масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашиш имконини берди.

Тадбирда, шунингдек, Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янгиланган битимни ишлаб чиқишга қаратилган ишларни биргаликда олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Европа Иттифоқининг 2019 йил якунига қадар ўзаро манфаатлар, умумий ёндашувлар ва қадриятларни инобатга олган ҳолда янги Стратегияни ишлаб чиқиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

– Биз Ўзбекистоннинг давлат ва жамият бошқарувини ислох қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш мақсадида халқаро ташкилотлар, шу жумладан, Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги сайёҳаракатларини юқори баҳолаймиз, – дейди Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Х.Кифер. – Бу каби учрашувлар ўзаро ҳамкорлик ва мулоқотни минтақа даражасида мустаҳкамлаш имконини беради.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар минтақавий ҳамкорлик, хавфсизликни мустаҳкамлаш, маъмур масалаларга Ўзбекистон раҳбариятининг ёндашуви ва ташаббуслари юзасидан муҳокамалар олиб борди.

Сессиялар доирасидаги муҳокамаларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш, экология, инсон ҳуқуқлари, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик каби мавзуларда маърузалар тингланди. Экспертлар томонидан Марказий Осиё давлатларига хавф соладиган таҳдидларни бартараф этиш бўйича самарали ечимлар топиш борасида тақлиф ва тавсиялар билдирди.

Учрашув якуни бўйича Ўзбекистон ва Европа Иттифоқининг нуфузли тузилмалари ўртасида ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

ҲУНАРМАНДЛАРГА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛМОҚДА

Пойтахтимизда “Хунарманд” уюшмаси томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хунарманд” уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан уюшма томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида журналистларга маълумот берилди.

Таъкидлангани, ушбу Фармон оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик билан шуғулланаётган инсонларга кенг имкониятлар эшигини очди. Бу тарихий ҳужжат халқ амалии санъатини янги босқичга олиб чиқиш билан бирга аҳоли даромадларининг ошишига туртки бўлди. Азалдан хунарманд халқимизнинг меҳнати махсули бўлган каштачилик, заргарлик, ўймакорлик, зардўзлик, ҳайкалтарошчилик нафақат шу юртда яшайдиган оилаларни, балки бутун дунёни ўзига ром этиб келган. Айниқса, “Хунарманд” уюшмаси аъзоларига имтиёзли кредитлар бериш кўзда тутилганлиги эса соҳа ривожига хизмат қилиш билан бирга уюшманинг ўрни ва нуфузини ҳам оширди.

“Хунарманд” уюшмаси раиси ўринбосари Акобир Ҳасимовнинг айтишича, айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган 13 та бошқарма ҳамда 92 та туман бўлимларида 18 минг 547 нафар аъзолар фаолият юритмоқда.

– Бугунги кунда хунармандчилик маҳсулотларини четга экспорт қилиш ҳажмини ошириш ҳамда ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни

янада мустаҳкамлаш, хунармандлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 2018 йилда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида кўргазма ва ярмаркалар ўтказилиши кўзда тутилган, – дейди “Хунарманд” уюшмаси матбуот котиби Нилуфар Ҳотамова. – Айни дамда уюшма таъсисчиликда “Uz craft and art” МЧЖ ташкил этилган бўлиб, келгусида республиканинг туристик объекти, диққатга сазовор жойлари, ҳудудлардаги хунармандчилик марказларида ҳамда бир қатор бозорларда дўконлар ташкил қилиш режалаштирилган.

Илгари хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар турлари 25 тадан иборат бўлган бўлса, Президент Фармони билан ушбу йўналиш 34 та этиб белгиланди. Уюшма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2017 йилда 1326 та “Устоз-шогирд” мактаблари ташкил этилиб, уларда 3846 нафар ёшларга хунар ўрнатилди.

Матбуот анжуманида журналистлар уларни қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

З. ШАРИҲОНОВ



МАТБАА СОҲАСИДАГИ ИЛК ХАЛҚАРО ФОРУМ ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, “A2 Digital” масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ўтказилган “Инновацион технологияларнинг янги қирралари” халқаро матбаа форумининг иккинчи кунинда иштирокчилар маъмур МЧЖ ва қатор нашриёт-матбаа ижодий уйлари фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда матбаа соҳасини ривожлантиришда давлат корхоналари ва хусусий сектор фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши матбаа соҳасига янги инновацион рақамли технологияларни олиб киришда муҳим аҳамият касб этапти.

Анжуман иштирокчилари “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйига ташриф чоғида у ерда ишлаб турган 8 бўлик чоп этиш ускунасини кўздан кечирди. Германиянинг “КВА” компаниясида ишлаб чиқарилган маъмур ускуна Марказий Осиёда ягона саналади.

– 2015 йилда ўрнатилган ушбу дастгоҳнинг афзалликлари кўп, – дейди “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Азимбой Бобониев. – Иш кучи ва энергия тежаллади, буюк 20-30 фоиз камроқ ишлатилади, қоғознинг бир йўла икки томони сифатли чоп этилади. Энг муҳими, кам вақт сарфланади. Маҳсулотларимиз тури кўпаймоқда. Келажакда рақамли чоп этиш ускуналарини олиб келиб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

Моҳиғул ҚОСИМОВА

– Сўзсиз, давлат эътиборидан мамнунмиз, хусусан, туманимиз ҳокимлиги томонидан 20 миллион сўмлик пул маблағи ажратилиши ва хомийларнинг қўллаши натижасида маҳалламиз идораси биносини таъмирлаб олдик. Ҳозир идора ҳаммиша гавжум. Лекин биз маҳалладошларни бирор юмуш билан мурожаат қилишларини кутмай, ўзимиз кўнгил олишга, муаммоларни жойида бартараф этишга ҳаракат қилгилар. Натижа шуки, кейинги икки ойда ёшларнинг қўйди-чиқдиси деярли бўлмади. Бу яхши албатта. Бу ёғини бўшаштирмаликка ҳаракат қилмайми.

Давлатимиз раҳбарининг тўйлар ҳақида айтган фикрларини қанча қўллаб-қувватласак, шунча оз деб ўйлайман. Зора энди тўйлар ихчамлашиб, дабдаба ўрнига маънили, эслаб юрадиган тўйлар кўпайса. Биз ҳам маҳалламизда шунга оид сайёҳаракатларни бошлаб юборганмиз. Шунингдек, маҳаллада ижтимоий ҳимоя масаласи яхши йўлга қўйилган. Муҳими маҳалламизни маданият ва маърифат масканига айлантириш йўлида астойдил ҳаракат қилганим. Бунинг учун мактаб – оила – маҳалла ўртасидаги узвий боғлиқликнинг бардавом бўлишига интиламиз.

Сарвиноз АҲМЕДОВА

МАЪРИФАТ ВА МАДАНИЯТ БОР ЖОЙДА...

Ҳар қандай эзгуликнинг боши маърифатдир. Чунки мамлакатда маънавият, яъни қувваи ҳофизаси бой кишилар қанча кўпайса, давлатимиз довуғи жаҳон айвонида шунча сарбаланд бўлиши табиий.

Бу борада давлат ичида давлат ҳисобланувчи маҳалланинг ўрни бекиёс. Чунки ўзини ўзи бошқариш органларига жамланган фидойи инсонларнинг сайёҳаракатлари самараси ўларок жойларда ибратли оилалар, кўп ўқиган, китоби бисёр хонадонлар софи кенгайиб бормоқдаки, бу ҳаммаси янги маънавият булоқлари кўз очаётганидан нишонандир.

– Ахир Президентимизнинг китобни кўп ўқиганлар танлови голибини енгил автомашинани билан сийлаганлари бежиз эмас, – дейди Юнусобод туманидаги “Шайх Шиблий” маҳалласи оқсоқоли Асатилла Тулаганов. – Бу ҳаммаси юртимизда маданият ва маърифатга катта эътибор берилаётганини кўрсата-

ди. Дарвоқе, Юртбошимиз таъкидлаганларидек ҳар қандай иқтисодий тараққиёт заминиде маънавият этади. Бу эса ҳар биримизни, аввало фарзандларимизни азалий қадриятларимиз руҳида тарбиялашимизни тақозо этади. Биз ҳам маҳалла фаоллари билан баҳамжиҳат ишлаб жиддий талаблар асосида тузилган режаларни рўйбга чиқаришга ҳаракат қилаямиз. Маданий-маърифий ишларни назоратга олишда кўча посбонлари, нозирлар, йўриқчи, масжид имом-хатиблари ва маҳалла фаоллари жалб қилинмоқда. Ҳар бир хонадон назорат ва эътиборда. Улар ҳолидан хабар олиш, тушунтириш ишлари олиб бориш туфайли соғлом турмуш тарзини тарғиб қилаямиз.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилояти адлия бошқармасида “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланиш таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мазмун-моҳиятини ижрочиларга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

● Хоразм вилояти Қўшқўпир ва Хива туманларида томорқадан унумли фойдаланиш, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, оилавий тадбиркорларга яратилаётган солиқ имтиёзлари масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. “Томорқа турмуш фаровонлигининг манбаидир” мавзусида ташкил этилган тадбирда вилоят давлат солиқ бошқармаси мутахассислари, вилоят 4-сектори ишчи гуруҳ аъзолари, туманлардаги секторлар раҳбарлари, фермерлар, томорқа ер эгалари, оилавий тадбиркорлар иштирок этди.

● Қашқадарё вилояти Косон тумани Ҳалима кишлоғида 50 ўринли “Ақлтой” нодавлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди. Тадбиркор Исмоил Эргашев томонидан ташкил этилган боғча кишлоқ аҳли учун катта қулайлик яратди. Тарбия масканида болажонларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шароит яратилган. Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, жорий йил охирига қадар вилоятда 400 мактабгача таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Айни пайтгача 2 давлат, 42 нодавлат мактабгача таълим муассасаси қурилиб фойдаланишга топширилган.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида ўтказилган “Ҳуқуқий ахборот кунин” лойиҳаси “Адлия сайли” билан якунланди. Жорий йилнинг 12-14 март кунлари “Фуқаролар давлат органларига эмас, давлат органлари фуқароларга хизмат қилиши керак!” шиори остида ўтказилган тадбирларда 2 мингдан зиёд аҳоли иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Шимолий Америка мактаблари ўқувчилари Флоридадаги мактабларнинг бирида уюштирилган отишма чоғида 17 нафар ўқувчининг ҳалок бўлганлиги муносабати билан мамлакатда курул-яроғ савдосини чеклаш ва тартибга солишни сўраган ҳолда Оқ уй олдида намойиш уюштирилди. Улар машъум ҳодиса қурбонлари хотирасини ёдга олиш мақсадида 17 дақиқа давомида сукут сақлашди.

● Stratolaunch лойиҳасининг раҳбарларидан бири Пол Аллен дунёдаги энг улкан самолётни намойиш этди. Самолёт ҳавога 250 тонна юк кўтариб ўча олади, ўзининг оғирлиги эса 230 тоннани ташкил этади, қанотлар узунлиги 117 метрга этади. Самолётни синов училари икки кун давомида муваффақиятли ўтди.

● АҚШнинг шимолий-шарқидеги Бостон шаҳрига қучли қор бўрони ҳуружи катта ноқулайликларни келтириб чиқарди. Табиий офат натижасида қўллаб давлат идоралари, корхона, ташкилот ва муассасалар ёпилди. Аэропортларда 1,5 мингдан ортиқ рейслар кечиктирилди. Кўп ҳудудларда электр қувватидан узилдишлар юзга келди. Синоптикларнинг таъкидлашларича, ҳаво ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича – 7 даражага тушиб кетиши кутилмоқда.

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни уйғониш ва яшариш,
гўзаллик ҳамда нафосат, саховат ва
мурувват рамзи бўлган Наврўзи олам
билан самимий муборакбод этамиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик
ва ишларингизда омад тилаймиз.

Баҳорий кайфият йил бўйи қалбингизни тарк
этмасин, хотиржамлик, бахту иқбол ҳамиша
ҳамроҳингиз бўлсин, азизлар!



“ТОШКЕНТ ФАВВОРАСИ” ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ




ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сизни эзгулик айёмининг бетақроқ
жозибаси — Наврўз умумхалқ
байрами билан чин қалбдан қутлаймиз!
Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик
ва шод-хуррамлик тилаймиз.
Баҳорий хуш кайфият сизни
ҳеч қачон тарк этмасин!

“ELITE AUTO GROUP”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

“РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ” ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ҳамюртларимизни кириб келаётган
Наврўзи олам — яшариш, янгиланиш байрами билан муборакбод этади.
Бутун борлиққа янгича чирой бахш этаётган бу файзли
айём юртимизга тўқинлик, хонадонларимизга файзу тароват олиб келсин.
Кўклам соғинчи, она заминга муҳаббат,
Ватанга садоқат ҳисси сизларни асло тарк этмасин.
Диёримиз осмони ҳамиша мусаффо, халқимиз ҳаёти эса фаровон бўлсин.
Меҳр-оқибат, эзгулик айёми қутлуғ бўлсин, азизлар!



Реклама ўрнида

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчангизни халқимизнинг энг қадимий ва ҳамиша навқирон, уйғониш ва янгиланиш рамзи сифатида бетакрор гўзаллиги билан юртимизга кириб келаётган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Ушбу қутлуғ айём муносабати билан сизга ва оила аъзоларингизга куч-қувват, шижоат ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

**“МУВОРАК МЕВЕЛ”
хусусий корхонаси жамоаси**

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР, СОҲА ХОДИМЛАРИ!

Барчангизни она табиатнинг янгиланиши, яшариши рамзи бўлган кўҳна ва ҳамиша навқирон Наврўз байрами билан самимий муборакбод этамиз.

Хонадонингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака, тўкин-сочинлик тилаймиз. Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин. Наврўз ила гўзал диёримиз нурга тўлсин!

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭКОЛОГИЯ ВА
АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

Гўзаллиги, бетакрорлиги билан дилларга хуш ёқувчи, баҳорнинг кўрку тароватини ўзида мужассам этган Наврўз байрами билан шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларини самимий қутлаймиз.

Наврўзи олам ҳаммага хуш кайфият, яхшиликлар олиб келсин. Оилалардан тинчлик-тотувлик, файзу барака аримасин. Барчангизни иил бўйи баҳорий кайфият тарк этмасин.

**ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР
“АШУРАЛИЕВ БОБУРМИРЗО
ҚОДИРАЛИ ЎҒЛИ”**

**“YAKKASAROY KICHIK SANDAT ZONASINI BOSHQARISH DIREKSIYASI”
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

юртдошларимизни халқимизнинг азалий миллий қадриятларга бой айёми – Наврўзи олам билан муборакбод этади. “Фаол тадбиркорлик, инновацион зоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да мўлжаллаган режаларингизнинг рўёбини кўринг. Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Наврўзингиз муборак бўлсин!



**“СУВСОЗ” ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗ, СОҶА ХОДИМЛАРИНИ**


*табиатга кўрку тароват бахш этиб кириб келаётган
эзгулик, яшариш ва янгилашни рамзи ҳисобланмиш
Наврўз байрами билан энг эзгу тилакларини изҳор
этган ҳолда самимий муборакбод этади.*

*Бу қутлуғ айём юртимизга тўкинлик, хонадонларимизга
файзу тароват олиб келсин.*

*Байрам шуқуҳи дилларимизни шод, қалбларимизни
доимо чароғон этаверсин.*

*Кўклам соғинчи, баҳорий кайфият сизларни асло
тарк этмасин, азизлар!*

**“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР Йўллари” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҲАРБИЙЛАШТИРИЛГАН ҚўРИҚЛАШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**



**ҳамшаҳарларимизни Наврўз байрами
билан самимий муборакбод этади.**

**Юртимизга ойна табиатнинг тенгсиз муъжизаси
– Наврўзи олам кириб келиши муносабати билан
сизларга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик,
бахчу саодат тилаймиз.**

**Хонадонингиздан Файзу барака аримасин.
Наврўз шодиёнлари қутлуғ бўлсин!**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги “Spatium
Impreks” МЧЖнинг думалоқ муҳри ва тўртбурчак
тамғаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Барча даъволар билан тугатиш суд бошқарув-
чисига (90) 260-09-73 телефон рақами орқали му-
рожаат қилиниши мумкин.

Шайхонтоҳур тумани ТСРҲИ томонидан
19.01.2015 йил респстр № 008034-09 рақами бил-
лан рўйхатдан ўтган “KIMYO TRANS TASHKENT”
МЧЖ (ИНН 303163111) таъсисчининг 16.03.2018
йилдаги № 3 қарорига асосан
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чоп қилинган кундан бошлаб
қуйидаги телефон орқали қабул қилинади:
(97) 723-23-22.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Учтепа филиали
шунинг маълум қиладики, филиалга тегишли бўлган
қуйида келтирилган 10 (ўн) дона қатъий ҳисобда
турувчи ТХ-1Ш патталари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
2332156 – 1 дона, 2332157 – 1 дона, 2332158 –
1 дона, 2332159 – 1 дона, 2625978 – 1 дона,
2625979 – 1 дона, 2625980 – 1 дона, 2629328 – 1
дона, 0913289 – 1 дона, 2629489 – 1 дона.

“Учтепа тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадаст-
ри хизмати” давлат корхонаси томонидан Зокиров
Ҳожиакбар Атхамович номига Учтепа тумани, Чи-
лонзор 14-мавзе, 14-уй, 62-хонадон манзилига но-
турар жой учун 23.05.2017 йилда берилган
10:01:07:01:01:0099 рақамли, 1-161/2017 реестр ра-
қамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги
“Ирода ЮАШ” МЧЖнинг думалоқ муҳри ва тўртбур-
чак тамғаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Барча даъволар билан тугатиш суд бошқарув-
чисига (90) 260-09-73 телефон рақами орқали му-
рожаат қилиниши мумкин.

“Олмазор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадаст-
ри” давлат корхонаси томонидан Олмазор тумани,
Фаробий, Тепа тор кўчаси, 13-уй учун Имамов Джа-
лол номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқол-
ганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Кафил-суғурта” МЧЖ Тошкент вилояти агентлигида
қатъий ҳисобда турувчи аҳолининг турар жой иморат-
лари ва уй-рўзгор буюмларини комплекс суғурта қилиш
бўйича 5 (беш) дона полислар йўқолганлигини маъ-
лум қилади. Ушбу полислар 15.03.2018 йилдан
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Йўқолган полисларнинг рақамлари: АММ: №0070660;
№ 0070673; № 0079626; № 0079645; № 0079648.

Яккасарой туман ХТБ тасарруфидagi мактаблар учун
323 дона Арақалга катта форматли босмага рамқали
кўргазмаларни харид қилиш мақсадида умумий сумма-
си 30 000 000 сўмга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Манзил: Яккасарой тумани, Уриқзор 2-тор кўчаси,
45-уй. Тел: 254-85-71.
Яккасарой туман ХТБ тасарруфидagi мактаблар учун
14 дона металл шкаф харид қилиш мақсадида умумий
суммаси 16 000 000 сўмга ва эшиклар учун 14 дона
панжара харид қилиш мақсадида умумий суммаси
14 000 000 сўмга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Манзил: Яккасарой тумани, Уриқзор 2-тор кўчаси,
45-уй. Тел: 254-85-71.

**ГАЗ ВА ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА
ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ**

“Ўз уйингни ўзинг асра” деган
шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир
оила, корхона, муассаса учун та-
аллуқлидир. Аҳолининг қуйидаги
ёнгин хавфсизлиги қоидаларига
риоя қилиши мақсадга мувофиқ
бўлар эди.
● Очiq алангадан фойдала-
нилатганда эҳтиёткорлик чора-
ларини кўриш.
● Электр ва газ асбобларини
доимо соз ҳолда тутиш ва носоз
ҳолда қўлбола тайёрланган
электр ва газ асбобларидан фой-
даланмаслик.

Юқоридагига ўхшаш қоидалар-
га риоя қилинса биз уйларимиз-
ни ҳар бир фуқаро йиллаб йиқ-
қан мол-мулкени, уй-жойини,
қолаверса, ўзини ва яқин киши-
ларининг ҳаётини асраб қолган
бўлади. Ҳеч кимга сир эмаски,
кунлар совуши ҳар бир инсонни
хонадонларни иситишга ундай-
ди. Кўплаб фуқароларимиз шу
ниятда қўлбола ясалган газ ва
электр ускуналаридан фойдала-
ниб натижада нафақат уйлари-
дан, балки ўз ҳаётларидан ҳам
ажралиб қолмоқдалар.

Агарда биз оддий ёнгин хавф-
сизлиги қоидаларига риоя қил-
сак, уйимизда ёнаётган олов
бизга фақат дўст сифатида хиз-
мат қилади.
Х.НОЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Биринчи Президенти Ислам
Каримов номидаги
илмий-маърифий ёдгорлик
мажмуасини ёнгиндан
муҳофаза қилувчи ёнгин
хавфсизлиги бўлинмаси
инспектори, лейтенант

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎ НАФАСИ



Ислом ИСМОИЛОВ олган суратлар

Кеча "Туркистон" саройида Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси тасарруфидаги Марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази томонидан Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган концерт бўлиб ўтди.

ҚЎШИҚЛАР НАВОСИДА БАҲОР МАДҲИ

Марказий маданият ва аҳоли дам олиш марказининг "Сарафроз" халқ хаваскорлик карнай-сурнай жамоаси, "Ритм" болалар рақс жамоаси, "Нодирабегим" халқ хаваскорлик фольклор-этнографик жамоаси, "Яшьлек" халқ хаваскорлик ашула ва рақс жамоаси ҳамда "Афродита" гуруҳи жамоалари иштирокида оҳанрабо куй ва қўшиқлар янграб, дилбар рақслар ижро этилди.

Наврўзга бағишланган ҳисобот концертида асрлар оша сайқал топиб келаётган миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни улуғловчи асрлар саҳналаштирилгани олқишларга сазовор бўлди.

Наврўз байрамига бағишланган концерт дастури иштирокчиларнинг қалбига гўзал бир ёруғлик олиб киргандай бўлди, — дейди Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси бўлим бошлиғи Азиза Юлдашева. — Чунки бу концерт дастурида энг гўзал урф-одатларимизни, миллийлигимизни, она диёримизни, баҳорни тараннум қиладиган қўшиқлар янгради, асосийси эса наволар нафасида Наврўзнинг минг йиллик анъаналарини дилимизга яна қайта олиб киргандай бўлди.

Элимиз севган санъаткорлар, эстрада хонандалари ва кўплаб гуруҳ жамоалари иштирокида кўркам баҳорни, она табиятни, Наврўзи олам шукҳини, тинчлик, дўстлик ва истиқлолимизни тараннум этиб янграган куй ва қўшиқлар, мафтункор рақслар жозибаси барчага бирдай манзур бўлди.

Умаржон ҲАЗРАТОВ

БАЙРАМ САЙЛЛАРИ ШУКУҲИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИНГ, АЗИЗЛАР!

Юртимизнинг қай гўшасига бормайлик, шу кунларда Наврўзи олам шукҳи кезиб юрганини ҳис қиламиз. Халқимиз эса қадриятлари мужассамланган ушбу улуғ айёмни эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олишга шайланган. Наврўз ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат байрамидир. Яратиш, яшнатиш, янгиланиш, ҳамжиҳатлик ва гўзаллик рамзи ҳисобланмиш Наврўзи олам бу йил ҳам ўзининг қутлуғ қадамларида энг соф эзгу ниятларни жамлаб, меҳр-муруввати, яхшиликни кўнгилларга сингдириб жаннатмакон диёримизга ташриф буюрмоқда.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуд ва гўшаларида Наврўзи олам наҳидаси уфуриб турибди. Шу қутлуғ айёмда шаҳримизнинг барча туманларида байрам тадбирларининг ўтказилишига алоҳида тарафдор қўрилоқда.

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари учун майдон ва истироҳат боғларида "Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган оғя остида ўтказиладиган "Юртимизнинг баҳори, уш келдинг Наврўз!" деб номланган умумхалқ сайли ва байрам тадбирлари бўлиб ўтади.

Сайллар ўтказиладиган жойлардаги саҳналар гуллар, шарлар, осори-атиқалар, баҳор фасли тасвирланган самоддаги ой, кўёш, юлдузлар акси туширилган паннолар билан бадиий тарзда безатилади. Байрам ташкилотчилари томонидан тадбирларга ташриф буюрувчиларнинг баҳорий ниятлар ва таомларини тановул қилишлари учун барча қўлайлик ва шароитлар яратилади.

Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси тасарруфидаги Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошидаги бадиий-хаваскорлик жамоаларининг театрлаштирилган концерт дастурлари, эл севган хонандалар, таниқли актёрларнинг баҳорни, она Ватанини, меҳру муҳаббатни, миллатлараро тотувлиқни тараннум этувчи куй ва қўшиқлари, жозибдор рақслар байрам сайлининг мазмунли ва кўнгилли чиқишини таъминлаб беради.

"Наврўз — муҳаббат фасли", "Сўмалак сайли", "Жарчилар хангомаси", "Спорт — тинчлик тимсоли" номи театрлаштирилган композицияларда ранг-баранг томошалар, спорт мусобақалари, миллий халқ ўйинлари, полвон, дорбоз, масҳарабозларнинг санъатлари, катта ашула, аския, фольклор жанридаги чиқишлар, цирк усталиларнинг қизиқарли ўйинлари, актёр ва қизиқчиларнинг дилтортар сўзга кўришилари, варрак учирини ва авиамоделиларга танловлари байрам сайли тантаналарида янада завқ ва шавқ бағишлайди. Халқ сайларида миллий хунармандчилик, кулолчилик, наққошлик, чеварчи-

лик ва осори-атика буюмлари намуналаридан кўргазмалар ҳам ташкил қилинади.

Наврўз ҳаёт чирогининг ўнмаслигидан, она заминнинг буюк само бағрида айланиши ва бобо кўешининг мангу нур сочишидан далолат беради, — дейди Тошкент шаҳар Маданият бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шухрат Ҳамроев биз билан сўхбатда. — Бу байрам барчага қувонч улашди, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Байрам тантаналаридаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртимиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаётдан далолат беради. Илоҳим, юртимизнинг байрамлари кўпаяверсин.

Дарҳақиқат, тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган бу байрам табиятга ўзига хос тароват бағишлайди, янги умид, янги режалар, руҳиятимизга ҳам энгилликлар олиб киради. Бу байрам барчамизни меҳнатни қадрлашга, қўлдан муъжизалардан баҳраманд бўлишга, ҳаётнинг боқийлигига иймон келтиришга ўргатади.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Тошкент шаҳрида Наврўз умумхалқ байрами тадбирлари бўлиб ўтадиган жойлар:

БЕКТЕМИР ТУМАНИ "Қуёшча нури" боғи ҳудуди	ОЛМАЗОР ТУМАНИ "Абдулла Қодирий" номидаги маданият ва истироҳат боғи
МИРОБОД ТУМАНИ "Фуркат" маданият ва истироҳат боғи "Темирийўлчилар" маданият саройи	Талабалар шаҳарчаси
МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ "Локомотив" маданият ва истироҳат боғи "Бобур" номидаги эко боғ	ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ "Ғафур Ғулом" номидаги маданият ва истироҳат боғи
СЕРГЕЛИ ТУМАНИ "Грин Парк" маданият ва истироҳат боғи (собик "Соҳил" боғи)	ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ "Анҳор-Локомотив" маданият ва истироҳат боғи "Наврўз" маданият ва истироҳат боғи
УЧТЕПА ТУМАНИ "Эко" боғи	ЮНУСОБОД ТУМАНИ Тошкент хайвонот боғи олдидаги майдон
"Боғишамол" маданият ва истироҳат боғи	ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ "Дўстлик" маданият ва истироҳат боғи
	ЯШНОБОД ТУМАНИ "Дўстлар" боғи

ДОРИЛОМОН КУНЛАР СУРУРИ

Донишмандлар кексалиқни нодон учун жабру жафо, жоҳил учун умрнинг қиши, донишманд учун эса умрнинг олтин кузига қиёс этадилар.

Инсон учун берилган улуғ, бебаҳо неъмат ҳаётни қандай яшаб ўтиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Умр деганларини шамол мисоли кунлар, ойлар, йилларни ортда қолдириб ўтиб бораверар экан. Ҳаётингиз давомида турфа хил инсонларга дуч келасиз. Уларнинг сўхбатларидан баҳраманд бўлиб, тафаккурининг бойлиги, дунёқарашининг кенглиги, тасавури уфқларининг нақадар юксаклигига ҳавас қиласиз. Ҳар қандай замону маконда ҳам ўзлигини йўқотмаган инсонлар билан замондошлик ҳисси сизга ҳузур бағишлайди.

Шаҳримизнинг Чигатоӣ Оқтепасида таниқли тарихчи, элшунос олим, "Шухрат" медали соҳиби, тиниб-тинчимас ҳикматчи бобо Билал Аминов умргузаронлик қиладилар. Сиз бу инсонни "Ватан — юракдаги жаҳоҳир", "Шарқона бозор муносабатлари", "Аждодларимиз нидоси" китоблари ҳамда "Тошкентнинг 12 дарвозаси" туркумида чоп этилган долзарб мавзулардаги мақолалари орқали жуда яхши танийсиз. Б.Аминов юртимизда инсоний қадриятларни эъзозлаш ва бойитишга бахшида этаётган, эзгу ва савоб амалларни кўнглига туккан фидойи инсонлардан биридир. Таниқли олим мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок вақтли матбуот, радио ва ойнаи жаҳонда чиқишлар қилиб,

"Меҳржон" деб аталгучи азалий байрам Наврўзнинг эгизаги эканлигини, бу байрамнинг қадимийлигини улуғ аллома Абу Райҳон Бериуний асарларидаги битиклар билан куйидагича исботлаб бердилар:

"Ой ва Кўёш фалакнинг икки кўзи бўлса,
"Наврўз" ва "Меҳржон" заминнинг икки кўзидир".

"Меҳржон" байрами ҳар йили олтин куз фаслида нишонланиши анъананага айланган. Мазкур байрам доирасида худди Наврўздагидек хайр-саховат ишларини қилиш, кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиш, етим-есир, ногиронларни йўқлаш, бир сўз билан айтганда, кўнгил иморатини тиклаш, кўнгил Каъбасини обод қилишдек савоб ишга кўл урилади. Бундан руҳланган Билал Аминов олти ой давомида "Ассалом, Меҳржон" китобчаси, шу номдаги рангли календарь-плакат, расмли рисола, туркум мақолалар чоп эттирди. У кишининг "Инсонийликка даъват этувчи чақмоқ ғоялар" мақоласида ўшларни ҳикматли сўзлардан унумли фойдаланиш, турли транспорт воситалари, айниқса, метро, трамвай, автобуслар салонларига плакат тарзида илб қўйиш ташаббусини олға сурди. Ота-боболаримиз қадимдан ғазалхонлик, шеърхонлик, қиссахонлик, ҳикматхонлик, эр-

такхонлик каби адабиётнинг турли жанрларидан тўй-ҳашам, сайил, гап-гаштакларда кенг фойдаланишган. "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамда "Ўқитувчи" нашриёти билан ҳамкорликда "Маънавият бўстони", "Собит қадам", "Ўқувчиларни тарбиялашда" "Оила-маҳалла-таълим" муассасаси ҳамкорлиги концепцияси" номи илмий-услубий қўланмалар яратди.

Элшунос олимимиз: инсонда "кўнгил тахти" деб аталган бир шохона туйғу бор. Бу туйғу ҳар қандай мартабадан юксакроқдир" дейишдан чарчамайдилар. Мустақиллик берган дориломон кунларга шукроналик келтириб яшаётган "ҳикматлар хазинабони" бўлган қаҳрамонимиз бир умр ҳикмат излаб, ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасини ҳикматларга йўғириб яшаётган замондошларимиздан. У киши нафақат бобомеъор дурдоналарни тўплаш, халққа етказиш, балки ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, ўқиган-ўққанларини келажак авлодга етказиб, ўзлари ҳам ҳикматлар яратиб келмоқда. Замона дарди — менинг дардим, деб кексалик гаштини суриб яшаётган табаррук олимимизга сийҳат-саломатлик, маънавий юксакликлар ҳамқадам бўлишини тилаб қоламиз.

Искандар РАҲМОН,
Гулчехра КАРИМОВА



БАҲОР ЁМФИРИ

Гуллаган дарахтлар ашуласида,
Нур бўлиб сочилиб фаслнинг сирини,
Деразмга шаффоф кўзларин тиклиб,
Мендан не сўрайди баҳор ёмғирини.

Балки далаларга чорлар у мени,
Қушларнинг тилида, гуллар тилида.
Яшагим келади бунчалар илҳақ,
Масъум майсаларнинг яшил дилида.

Бир қадам оҳангда шивирлаб майин,
Менга ўргатади умид куйини.
Уфуриб келтирар, ишоби келтирар,
Ариқлар лабидан ялтиз буйини.

Япроқ билан ўйнар, гул билан ўйнар,
Шодликдан тўкилган кўз ёши мисоли.
Негадир едимни чулғайди шу дам,
Утли ёшлиқнинг сўлим хаёли.

Қачондир лолалар терганман сен-ла,
Буғун лола бўлди умримнинг бағри.
Ёдимга неларни солиб қўйдим-а,
Мени танимаган Наврўз ёмғирини.

Абдуғани СЎЛАЙМОН

Ҳашар — элга ярашар

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ГЎЗАЛ БЎЛСИН!

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, республиканинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 мартдаги фармойишига биноан жорий йилнинг март-апрель ойларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 18-19 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши белгиланди.

Хайрия ҳашари давомида барча турар жой мавзелари, маҳаллаларда гул қўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экиш, бўш ҳудудларда боғлар барпо этиш, дарахтларни оқлаш ва бутаж ишлари амалга оширилади. Ёрдамга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялашга ҳамда боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш ҳам кўзда тутилган.

Жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида тўпланган чиқиндиларнинг ташкилий равишда алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқиши таъминланади.

Туман ҳокимликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи шаҳар Кенгаши Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарини уюшқоқлик билан ўтказиш, ушбу тадбирларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхоналар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва ҳарбий қисмлар, шунингдек, шаҳримиздаги барча аҳоли, айниқса, ёшларни кенг жалб қилишда бош-қош бўлишади.

Умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилиши муносабати билан барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридagi маблағлари "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар ва туман бўлимларининг банкдаги ҳисоб рақамларига иштиёрий равишда ўтказилади.

Умумхалқ хайрия ҳашари ҳамда Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тадбирларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, корхоналар, ташкилотлар, таълим муассасалари, шунингдек, шаҳримиздаги барча аҳоли, айниқса, ёшларнинг фаол иштироки этишига ишончимиз комил.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Наврўз — она табиятнинг бетакрор мўъжизаси. Шу боис бу айёмнинг ҳар бир кунини ганимат билайлик. Мевали ва манзарали дарахтлар қўчатларини экиш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, дарахтларга шакл бериш баҳорий мавсумнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини унутмайлик. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарида фаол иштирок этайлик, шаҳримизнинг янада гўзал ва обод бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 17 март куни ҳаво ўзариб туради, ёлғизчилик бўлмайди. Кечаси ва эртаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 18-20 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 17 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратеди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: (0-371) 233-28-95.
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиққди. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12597 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ